# ЎЗ КУЧЛАРИ БИЛАН, ЁРДАМЧИЛАРСИЗ

## ҒАЛАБА РАПОРТИ ИЗИДАН

**Бўка районидаги Тимирязев номли колхоз аъзолари областда биринчилар қатори давлатга пахта топшириш планини бажариб, айни кунларда социалистик мажбуриятларини ҳам тез кунларда адо этиш учун курашмоқдалар.**

Ютуқлар ҳақида сўзлаганда, албатта, кўз ўнгимизда одамларнинг меҳнати намоён бўлади. Меҳнатнинг самараси эса унинг қандай ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда нарядсиз усул ғоят истиқболли усул эканлигини тажрибалар кўрсатмоқда. Мана тўрт йилдирки, бу колхоз деҳқонлари ҳам ишлаб чиқаришга ана шу прогрессив усулни жорий этганлар. Шу туфайли ҳам дала ишлари, белгиланган агротехника тадбирлари ўз вақтида, маромида бажарилиб келинмоқда. Чунки ҳар бир колхозчи қайси бир соҳада бўлмасин ўзи бажараётган ишдан келадиган нафни олдиндан яхши сезиб, билиб туради. Шунга мувофиқ иш юритади. Вақтдан, имкониятдан, ўзига ишониб топшириб қўйилган техника ва бошқа воситалардан иложи борича тежамли, унумли фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Бу ҳаракат, бу интилиш, қунт ва кўзлаган мақсадга эришишда ихлос ҳар қандай қийинчиликларни енгиб ўтишга ёрдам беради. Ўтган йилги қийин шароитда ҳам бу колхоз деҳқонлари ҳар гектаридан 40 центнердан ошириб пахта топширишга муваффақ бўлдилар. Улар янги мавсум тараддудини бошлашдан олдин эришилган натижаларни пухта таҳлил қилдилар. Бу масала колхоз коммунистларининг очиқ партия йиғилишида ҳам кўриб чиқилди. Чунки план ортиғи билан бажарилган бўлса-да, йўл қўйилган камчиликлар оз эмасди: чигит текис ундириб олинмади. Натижада айрим карталарда ғўза сийрак бўлиб қолди, бунинг устига пахта кеч етилди. Терим ишлари анча чўзилди. Ҳосилнинг сифатидан кўнгиллари тўлмади.

Деҳқон агротехникадан ютқаздими, ҳосилнинг бир қисми бой берилди, деяверинг. Ўша кунги мажлисда бу ҳақда ҳам жиддий мулоҳазалар ўртага ташланди: мутахассисларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган тадбирлар кўрилди. Олий маълумотли бригада бошлиғи Баёнқул Раҳмонов бош агроном қилиб тайинлангач ишлар ҳар жиҳатдан жонланди. У ўз бурчини шараф билан оқламоқда. Агрономнинг елиб-югуриши, жонкуярлиги синчковлиги, тадбиркорлиги туфайли ҳар бир далада, ҳар бир участкада агротехника тадбирлари тупроқ шароитига қараб маромида ўтказиладиган бўлиб қолди. Чигитни ернинг табиий намига бир текис ундириб ҳар гектар ерда ўртача 120 минг тупдан ғўза пахта пишиб етилгунча серҳосил қилиб ўстирилди. Энг муҳими шуки, бу йил пахта ўтган йилдагига қараганда 15—20 кун эртаги бўлиб етилди.

— Бу йил ҳам пахтани машиналар ёрдамида, ўз кучимиз билан, четдан ҳашарчиларни жалб этмай йиғиб-териб оламиз!

Колхоз пахтакорлари ана шундай ташаббус билан чиқдилар. Бу айтишга осон, лекин деҳқонлар бу соҳада катта тажриба тўплаганлар, улар бу тажрибаларини мустаҳкамлаб, янада бойитиш йўлларини изладилар. Мутахассислар, тракторчи механик-ҳайдовчилар, ҳаммаҳамманинг диққат-эътибори дефолиацияни ғўзаларнинг биологик жиҳатдан етилган вақтини билиб ўтказишга қаратилди. Яна шуниси муҳимки, бу иш барча майдонда фақат трактор аппаратлари ёрдамида амалга оширилди. Бунинг фойдаси катта эди: майдонлар дефолиантлар билан тўла қамралди. Анчагина маблағ иқтисод қилинди, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўйилмади. Сифатли иш кутилган самарани берди. Бир босқич, бир ишловнинг ўзидаёқ ғўза баргларининг деярли бир текис тўкилишига эришдилар.

Иккита терим-транспорт отрядига бириктирилган 18 та «зангори кема» тахт қилиб қўйилган, механизаторлар улоқнинг ўртага ташланишини сабрсизлик билан кутаётган чавандозлардек енг шимариб туришганди. Лекин шошилмадилар, жиловни тортиброқ турдилар. Мутахассислар, тажрибакорлардан иборат махсус комиссия аъзолари ғўза баргларининг тўкилиши жараёни, кўсакларнинг очилиш миқдорини синчиклаб ҳисоб-китоб қилдилар. Машиналар қайриладиган, кирадиган жойлар қайта-қайта текширишдан ўтказилди. Ниҳоят ҳаммаси маромида, мўлжалдагидек, кўсакларнинг 70—75 проценти очилгач, «рухсат» деган буйруқ бўлди. Ўшанда 21 сентябрь эди.

Иккинчи теримнинг баракаси биринчи теримнинг қай даражада соз ва сифатли ўтказилишига боғлиқ. Ана шу мезон қатъий ҳисобга олинди.

Шу тариқа колхозда механизаторларнинг кенг фронт бўйлаб жасорат кўрсатишлари учун барча шароитлар яратилди. Кўчма устахоналар хизмати аъло даражада йўлга қўйилганлиги учун «зангори кема»ларнинг ҳаммаси бир текисда, тўхтовсиз унумли ишлай бошлади. Ҳар бир машина билан кунига ўртача 10—12 тоннадан «оқ олтин» терилди. Кўрсаткич тахтасининг «Илғорлар» дейилган қисмига ёзилган исм-фамилиялар кўпайиб кетди. «Қолоқлар» деган қисми бўш қолаверди. Бу табиий ҳол эди. Ғўзалар серҳосил, кўсаклар бодроқдек қийғос очилиб, оппоқ денгиздек чайқалиб, жилваланиб, киши қалбини завқшавққа тўлдирардики, механизаторлар ғоятда меҳр, ихлос ва катта умид билан меҳнат қилишар, ҳеч ким бир-биридан ортда қолишни хаёлига келтирмасди. Уларга ҳамма шароитлар муҳайё қилинди. Бевосита даланинг ўзида икки маҳал иссиқ овқат ташкил этилди. Бешта мукофотли ўрин белгиланган эди. Бу ўринлар бир механизатордан иккинчи механизаторга ўтиб турди.

Аҳад Ҳамдамовнинг довруғи довон ошди. Айрим кунлари у хирмонга 20 тоннага етказиб пахта тўкди. Бу хабарни эшитиб иккилланганлар ҳам бўлди.

— Шунча пахтани териш мумкинми?

— Мумкин, — деб жавоб беришди бизга.— Бунинг учун механизатор энг аввало вақтдан фойдалана билиши, қадрига етиши керак. У ўзига бириктирилган машинага шунчаки темиртерсак сифатида эмас, энг яқин кўмакчиси, муҳим иш қуроли сифатида қараши, демакки, ҳар куни ишни бошлашдан олдин, ишдан сўнг машинасининг қисмларини синчиклаб кўздан кечириши, нафас олишига қулоқ тутиши, «дарди» — «ҳасрати»га шерик бўлиши керак.

Колхоз механизаторларининг иш якунлари билан танишар эканмиз, ҳақиқатан ҳам улар ўз касбларининг усталари эканликларига ишонч ҳосил қилдик. Мана, Ҳасан Ҳожиевнинг иши билан танишайлик. У мавсумда 190 тонна пахта териш мажбуриятини олган эди. Ваъдасини барвақт уддалади. Ҳозир 250 тонна учун курашмоқда. Ўктам Турсунқулов, Мурод Шеров, Аҳмад Эшонқулов, Муҳаммади Хўжамов сингари механизаторлар ҳам ҳозиргача 160—180 тоннадан ошириб пахта тердилар. Ана шу сингари фидокор механизаторларнинг шижоати, куч-ғайрати туфайли авжи терим қизғин кунларда йиллик планнинг 7—8 проценти миқдорида пахта тайёрланди. Қўл теримида қатнашаётган 600 киши ёрдамида эса 1—1,5 процент пахта йиғиб олинди. Шу туфайли суръат кескин кўтарилди. Баҳром Хўжамов, Аҳад Қурбонов, Рашид Раззоқов сингари бригадалар хўжаликда биринчилар қатори пахта тайёрлаш планини бажардилар.

Лекин биринчи машина терими тугаллангач, суръат бироз сусайди. Бу табиий ҳол эди, албатта. Чунки биринчи машина теримидан сўнг далаларнинг иккинчи машина теримига етилиши учун кам деганда 14 кун муҳлат керак бўлади. Шу туфайли 2—3 кун тишнитишга қўйиб сабр қилишга тўғри келди. Яна машиналар ишга тушди. Шундай қилиб, колхоз маррага барвақт етиб келди. 1052 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,6 центнердан ҳосил олинди.

Далалардаги ҳосил чўғини чамалаб кўрган колхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 42 центнерга етказишни режа қилиб олдилар. Улар бу соҳадаги мажбуриятларини ҳам тез кунларда бажариш учун барча куч-имкониятларни, техника воситаларини ишга сафарбар этмоқдалар.

— Яхши меҳнат қилгандан сўнг, яхши ҳақ олиш керак, — дейди колхоз партия ташкилотининг секретари Малика Мирзаева. — Нарядсиз усулнинг талаби, моҳияти ҳам шунда. Пахталар қийғос очилган кезларда, яъни 1 октябрга қадар колхозчиларга уларнинг терган пахталари килограммига қараб ҳақ тўланди. Ҳозир эса гектарларга, даланинг қандай тозаланишига қараб ҳақ тўланмоқда. Бундан колхозчи ҳам манфаатдор, албатта. Ахир далалар ҳосилдан қанчалик эрта бўшаса, шудгорлаш шунчалик барвақт ўтказилади.

...Пахтазорларда ҳаёт қайнамоқда. Маррага барвақт етиб келган ғолиб деҳқонлар юбилейни улкан меҳнат зафарлари билан нишонлаш учун ҳар бир кундан самарали фойдаланишга бел боғлаганлар.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

## ДУШАНБА, 15. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Футбол шарҳи».
10.05 «Яшил дала узра қор». Бадиий фильм.
11.20 Оммабоп куйлардан концерт.
11.55 Велосипед спорти бўйича хизмат кўрсатган спорт мастери С. Копилов ҳақида телефильм.
12.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар: «Гигант», «Оқ булоқ», «Шундай совхоз бор».
16.25 Саратов филармонияси камер оркестрининг концерти. Саратовдан олиб кўрсатилади.
16.50 «Ерда, самода ва денгизда».
17.25 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
17.55 «65-параллелдаги учрашув». Ҳужжатли фильм.
18.15 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Ишлар ва одамлар». «БАМ— Сибирь бойликларининг калити».
20.10 «Театрда, кинода ва телевиденида музика» кўрсатуви саҳифаларида.
20.35 «Шоирлар Лермонтов ҳақида». М. Ю. Лермонтов туғилган куннинг 170 йиллигига.
21.30 «Время».
22.05 «Футбол шарҳи».
22.35 «Тугалланмаган нодир асарлар». Телефильм премьераси.
00.05 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Дунё ва ёшлар».
19.25 Рус композиторларининг вокал дуэтлари.
19.45 «Меҳнат кунидан сўнг». Телефильм.
20.00 «Зарипов йигитлари». Фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Дўстларимиз чеҳраси».
21.30 «Время».
22.05 «Ўлим дарасидаги учрашув». Бадиий фильм.
23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Торпедо». Минскдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Ўқув программаси.
10.45 «Куз новелласи». Телевизион бадиий фильм («Ўзбектелефильм»).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
11.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Жамол Камол. «Армон». Адабий театр.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Днепр» (Днепропетровск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тошкент — нон шаҳри». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Донецк ўлкаси». Телефильм.
18.40 Врач маслаҳати.
18.55 «Андроников сўзи». Бадиий ўқиш (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
20.50 «Иштиёқ». Телефильм.
21.00 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
21.30 МТ II

**ҲУРМАТЛИ ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР!**

**Ўзбекистон ССР Телевидение ва радио эшиттириш Давлат комитети ўз программаларига ўзгаришлар киритиши мумкин.**

## СЕШАНБА, 16. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Уфқ». Ленинграддан олиб кўрсатилади.
10.50 «Қадрдон иш». Бадиий фильм.
12.10 «Касби — бригадир. Бригадирлик ташвишлари». Телефильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 Мамлакат телестудияларининг ҳужжатли фильмлари: «Қадрдон уй бўёқлари», «Ернинг барча гуллари» (Тошкент).
16.10 Қишлоқ хорининг чиқиши. Жанубий Сахалинскдан олиб кўрсатилади.
16.40 «А. Блок. «Ватан». Фильм-концерт премьераси.
17.25 «Буратино кўргазмаси».
17.55 «Олтин шохли буғу». Ҳужжатли фильм.
18.05 Прага шаҳар «Фок» симфоник оркестрининг концерти. Дирижер— М. Белоглавек. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
18.30 «Фан ва турмуш».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 Мультфильм.
20.25 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 РСФСР халқ артистлари Г. Терехова ва С. Бережной рақсга тушади.
22.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Химик». 2- ва 3-даврлар.
24.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.15 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Макар Мазай печи». Телефильм.
11.55 «Шахмат мактаби».
12.25 — 12.40 «Великий Устюг ҳақида хотиралар». Илмий-оммабоп фильм.
16.20 «Дунё ва ёшлар».
16.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
19.20 Тува АССР Давлат «Саяни» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
19.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Кольцов ҳақида қўшиқ». Бадиий фильм.
23.30 Балет артистларининг чиқиши.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Бизнинг Чукоккала».
11.20 «Бебенисида куз». Телефильм.
11.30 Ўқув программаси.
12.00 «Очиқ дарс». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг медицина фанлари доктори А. М. Убайдуллаев билан учрашуви (такрорий).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Латвия «Гундега» халқ ансамбли ижро этади.
20.20 «Тарханлар». М. Ю. Лермонтовнинг чорбоғ музейи ҳақида ҳужжатли фильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР халқ артисти М. Шамаева ва ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Р. Шарипова концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
22.20 «Камера фош этади». «Қасосдан қочиб юрганлар».
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00— 17.00 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 Ўқув программаси.
18.40 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Момо ер». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси (рус.).
21.00 «Табассум учун миллион». Телефильм.
21.30 МТ II

## ЧОРШАНБА, 17. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Лаутар тароналари». Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
10.00 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
11.05 «Саёҳатчилар клуби».
12.05 «Касби— бригадир. Бригадирлик юмушлари». Телефильм.
12.30 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «80-йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар: «Хўжайин», «Сахалин коммунистлари ҳақида ҳикоялар».
16.10 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.05 «Драматургия ва театр». А. С. Грибоедов. «Ақллилик балоси».
17.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.20 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Маршали С. И. Руденко билан учрашуви.
19.05 Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Дунё ва ёшлар».
20.05 «Қадрдон менинг дарёим». Телефильм.
20.25 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Биргалашиб куйлайлик, дўстлар».
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.35 «Рассом Иван Шишкин». Ҳужжатли фильм.
11.05 — 11.35 «Антарктидага командировка». 4-кўрсатув.
12.05 — 12.40 «Сиз яратган боғ».
14.40 — 15.25 «Билимимиз — қудратимиз».
16.25 «Инспектор Ковалёвнинг юмушлари». Илмий-оммабоп фильм (Тошкент).
16.45 «Фан ва турмуш».
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Онамларнинг мактаби».
19.20 Д. Крамер чалади (фортепьяно).
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Ҳаётга йўлланма».
21.30 «Время».
22.05 «Жавобсиз қолган севги». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш.
12.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.10 «Республика шолипояларида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.20 «Волга бўйлаб саёҳат». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон ССР Давлат телерадиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Студентлик — «оқ олтин» даврим». Ёшлар учун музикали программа.
23.45 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.20 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ижодиёт эстафетаси». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Куз оҳанглари». Музикали фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқув программаси.
21.00 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Тошкентнинг 435 минг тонна «оқ олтин»и учун».
21.30 МТ II

## ПАЙШАНБА, 18. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Буратино кўргазмаси».
10.20 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
11.25 «Ҳайвонот оламида».
12.25 «Касби — бригадир. Бригадирлик қувончлари». Телефильм.
12.50 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Ғалла ҳақида фан», «Контакт».
16.00 Ю. Тинянов. «Мулоҳазалар... учрашувлар».
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.30 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик турмуш тарзининг маънавий асослари».
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Кампучия: ўлимдан кейинги ҳаёт». Телефильм.
20.20 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
21.30 «Время».
22.05 МТнинг «Олтин» фондидан. СССР халқ артисти С. Гиацинтова.
23.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
23.20 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 — 9.30 «Бошқарма бошлиғи». Телефильм.
12.05 — 12.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Шамолни изла». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 А. Конан-Дойль. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Халқ куйлари.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Салом, «Дружба». Афғон болаларининг Туркманистондаги «Дружба» пионер лагерида дам олиши ҳақида ҳужжатли фильм.
21.00 Автомобиль спорти бўйича СССР чемпионати. Таллиндан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Имтиҳон олдидан». Телевизион бадиий фильм.
23.10 «Тобольск кремлининг хазинаси». Тарих архитектура музей-қўриқхонаси ҳақида телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Темур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
11.30 Ўқув программаси.
11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «41-йил — биз чақирилган йил». Телефильм.
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильмлар.
18.40 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
19.00 «Турмуш ва маданият».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Пластика симфонияси». Ҳайкалтарошларнинг Бутуниттифоқ симпозиуми (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи —ақлнинг кўзи» (такрорий).
23.20 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Ҳаёт олами». Телефильм.
18.35 Реклама.
18.45 «Ўрмон қиссаси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Музиканинг яратилиши». Телефильм.
21.00 «Физкультура ҳамма учун». Ритмик гимнастика (рус.).
21.30 МТ II

## ЖУМА, 19. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Мультфильмлар.
10.05 «Қора учбурчак». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
11.15 «Театр директори». Фильм-концерт. В. Моцартнинг шу номли комик операси.
11.40 Телефильмлар: «Сўнгги пикетлар», «Семиречьелик овчи».
12.20 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.15 «Рус тили».
16.45 «Ажойиб лавозим». Телефильм.
17.15 «Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни».
17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади (фортепьяно).
19.55 «Экранда — кинокомедия». «Қувноқ йигитлар».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Днепр». «Зенит» — «Қайрат» (йўқлама).
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15— 9.35 Ҳужжатли фильм.
11.05 — 11.35 «Антарктидага командировка». 5-кўрсатув.
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 Духовой оркестр чалади (Клин шаҳри).
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 «Пардубицкий Стипльчез» от спорти бўйича халқаро мусобақалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 А. Мишарин. «Ўғил билан беш суҳбат». Телеспектакль.
23.15 «Мультаккорд». Эстрада программаси.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Ёшлар ва студентларнинг XII жаҳон фестивали олдидан.
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида— «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ёзувчилар — пахтакорларга».
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дунё воқеалари».
22.30 «Сержило экран». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради.
23.40 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига». Кинопрограмма.
19.00 Болалар учун фильм. «Солдатча».
19.40 «Лицей. 19 октябрь». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчилар учун консультация (рус.).
20.50 Классик куй саҳифалари.
21.30 МТ II

## ШАНБА, 20. X

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
9.50 «Бир дуэт тарихи». Телефильм премьераси.
10.10 «Спортлото»нинг 42-тиражи.
10.20 А. Литвиненко куйлайди.
10.45 «Сиз бунга қодирсиз».
11.30 «Ёзувчи ва ҳаёт».
12.30 «Белград. Озодликнинг 40 йиллиги». Киноочерк.
12.50 «Ўсимликлар олами».
13.45 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
14.45 «Оила ва мактаб».
15.15 «Дунё воқеалари».
15.30 Бадиий ҳаваскорлар ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
15.50 «Ёнингдами, ўртоқ».
16.50 Мультфильмлар.
17.20 «Кун ботгач — парвоз». Ҳужжатли фильм премьераси.
18.00 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Ёш ижрочиларнинг IV телеконкурси. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.
19.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
20.15 «Сўнгги ташриф». Телевизион бадиий фильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Крылья Советов».
23.50 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 «Биргаликда аҳил оиламиз».
9.55 «Стадион ҳамма учун».
10.25 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
10.55 ГРУЗИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.30 Ритмик гимнастика.
13.00 «Менинг ҳаётим — опера». Фильм-концерт.
14.00 «Чхун Хян ҳақида ривоят». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар (КХДР).
16.15 «Музикали карусель». ГДРдан олиб кўрсатилади.
16.45 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК — «Динамо» (Рига).
18.15 «Здоровье».
19.00 «Халқаро обзор».
19.15 «Қалбан сизни кўраяпман». Ҳужжатли фильм.
19.35 Москвада ГДР маданияти кунлари. Республика ташкил топганлигининг 35 йиллигига бағишланади. Симфоник оркестр концерти. Танаффус пайтида (20.20) — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
21.30 «Время».
22.05 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
23.30 «Бугун студияда». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.30 «Ҳужжатли кино экрани».
11.15 «Бахши шоирларнинг телевизион конкурси». Қодир Раҳим ўғли.
12.15 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
12.45 ЎзССР Давлат телерадиоси солистларининг концерти.
13.25 «Касаба союзлари — коммунизм мактаби» (рус.).
13.55 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак».
14.55 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун» (рус.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Болалар учун фильмлар: «Худойберди — ботир», «Тонгги куй».
18.30 Болалар учун. «Бойчечак».
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Майин табассум билан». Цирк программаси.
20.30 «Ахборот».
20.55 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтазор жасоратга чорлайди». Телевизион йўқлама.
22.30 «Санъаткорлар — пахтакорларга». Музикали программанинг давоми.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● 18.00—21.30 ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

## ЯКШАНБА, 21. X

### ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар: «Кимнинг нони ширинроқ», «XX аср пазандаси».
10.10 Татаристон АССР халқ артисти В. Гиззатуллина куйлайди. Қозондан олиб кўрсатилади.
10.30 «Будильник».
11.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.00 «Здоровье».
12.45 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви.
13.15 «Қишлоқ янгиликлари».
14.15 «Музикали киоск».
14.45 Болалар учун фильм. «Болалик байрамлари».
16.10 «Қўшиқ инсон билан қолади». Горький шаҳридан олиб кўрсатилади.
17.10 «Бугун — Озиқ-овқат саноати ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Озиқ-овқат саноати министри В. П. Леина, СССР гўшт ва сут саноати министри Е. И. Сизенко иштирок этадилар.
17.45 «Хатларингиз асосида». Озиқ-овқат саноати ходимлари учун концерт.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 Мультфильм.
19.35 «Цирк майдонида».
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 «Джаз панорамаси». 5-кўрсатув.
23.05 «Ўтмишни ёдингда сақла». Илмий-оммабоп фильм.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 «Ўртоқ Москва».
10.05 «Рус тили».
10.35 «Айиқлар борарди». Телефильм.
11.05 СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти.
12.00 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
13.00 «Ҳимолайнинг забт этилиши». Телефильм (Франция), 3-серия.
13.45 Мультфильм.
13.55 «Ҳайвонот оламида».
14.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.25 «Карпат қўшиқлари».
15.55 Останкино концерт студиясида Г. Эминнинг шеърият кечаси.
17.45 «Машаққатли қаватлар». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
18.50 «Машҳур совет ижрочилари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР халқ артисти Э. Гилельс концерти.
19.40 «Объектив».
20.00 «Тўрт карнай ижроси учун сюита». Фильм-концерт.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Халқаро конкурслар лауреати В. Овчинников чалади (фортепьяно).
20.55 Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 «Текширилди, миналар йўқ». Бадиий фильм (А. Довженко номли киностудия, «Ловчен-фильм» (Югославия).
23.30 Батутда сакраш бўйича СССР чемпионати. Киевдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.30 Озиқ-овқат саноати ходимлари кунига. «Нон», «Бешинчи ёз». Ҳужжатли фильмлар («Ўзбектелефильм»).
11.00 «Ҳаёт каби тирик».
11.30 Мультфильмлар.
11.55 «Қувноқ стартлар».
12.55 «Премьералар, учрашувлар, дебютлар» (рус.).
13.55 «Кинoредакция почтасидан».
14.40 Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон республикалари ва Компартияларининг 60 йиллигига бағишланган автопойга қатнашчилари билан учрашув (рус.).
15.10 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 Мультфильмлар.
18.30 Глиэр номли республика музика мактаби ўқувчиларининг концерти.
19.00 «Бугун —Озиқ-овқат саноати ходимлари куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ягона оилада». ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган ҚҚАССР ва республика областларининг телевизион фестивали. Экранда — Қашқадарё области.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Марҳабо талантлар». ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган Қашқадарё область бадиий ҳаваскорлик коллективларининг телевизион фестивали.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Марҳабо, талантлар» (давоми).
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● 15.50—21.30 ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

### «ЭРТАК ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА»

«ПРОМЕТЕЙ», «АРГОНАВТЛАР». Мультфильмлар. Жума, 19 октябрь куни МТ I программаси орқали соат 17.45 да, якшанба, 21 октябрь куни эса МТ II программаси орқали соат 12.00 да томоша қилишингиз мумкин.

### «ТУНИНГИЗ ХАЙРЛИ БЎЛСИН, КИЧКИНТОЙЛАР»

ҲАР КУНИ:
МТ II орқали
20.30 да

**Душанба, 15. X**
«Валя хола ҳикоя қилади...»
**Сешанба, 16. X**
«Олтин оҳу». Мультфильм. 3-қисм.
**Чоршанба, 17. X**
«Полизчи хўтик». Мультфильм. 1-қисм.
**Пайшанба, 18. X**
«Полизчи хўтик». Мультфильм. 2-қисм.
**Жума, 19. X**
«Икки кучук ҳақида». Мультфильм (ЧССР).
**Шанба, 20. X**
20.20 «Ёнғоқ навдасидан ясалган хипчин». Мультфильм. 1-қисм.
**Якшанба, 21. X**
«Ёнғоқ навдасидан ясалган хипчин». Мультфильм. 2-қисм.

